



Мамлакатимизда “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасидаги тадбирларнинг 2022 йил куз ва 2023 йил баҳорги кўчат экиш ишлари бошланди.

## КЎЧАТ ЭКИШ – ЭЗГУ АНЪАНА

Эътиборлиси, бу йил “Яшил макон” умуммиллий ҳаракати доирасидаги тадбирларни илмий асосланган ҳолда ташкил этиш мақсадида республика миқёсида экспертлар гуруҳи, Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси таркибида эса ўрмончи, эколог, дендролог, тупроқшунос, энтомолог, фитопатолог каби олим-мутахассислардан ташкил топган гуруҳ шакллантирилди. Бу гуруҳларга мамлакатимиздаги 10 дан зиёд илмий ва олий таълим муассасаларида фаолият юритаётган 80 га яқин олим ва мутахассислар ҳам жалб қилинди. Олтин куз фаслида ҳудудларнинг иқлим шароитига мос дархат қаламчалари, манзарали ва мева-ли дархат ҳамда гул кўчатларини экиш амалга ошириляпти.

Хайрли ишдан четда қолманг, азиялар! Юртимизни гузал бўстонга, боғу роғларга айлантиришга муносиб ҳисса қўшайлик!

Бугун “Hamkorbank” АТБнинг Нодирабегим филиалида 70 нафарга яқин ходим меҳнат қилаётган бўлса, уларнинг 50 га яқини яъни, 70 физи ёшлардир. Улар албатта, махсус тест имтиҳонлари ва суҳбатлардан ўтиб, молия муассасида ўз фаолиятини олиб бормоқда. Ана шундай ёшлардан бири Санжарбек Худойбердиевдир (суратда ўртада).

Олий таълим муассасасида таҳсил олаётган битирувчини “Ўқишни тамомлаганимдан кейин қаерда ишлайман?” деган савол ўйлантириши табиий. Ҳисоб илмини ўрганаётганлиги боис банк тизимида ишлашни ният қилган Санжарбек ҳам институтни тамомлаш арафасида “Hamkorbank” АТБ танловида қатнашади. Мана шунга ҳам 12 йил бўлибди.

— Банкка эндигина ишга қирган вақтларимда Абдуқуддус Умаров, Баҳодир Тожибоевлардан банк ишини ўрганганларим ҳозиргача асқатмоқда. Бугун унинг ривожланиши ва халқимиз турмуш фаровонлигига ўз ҳиссамни қўшаётганимдан бахтлиман, — дейди Санжарбек Худойбердиев.

Ёшлар -хазина, уларнинг билими, янгиликларга интилишидаги ишжояти тўғри ўйналтирилса, юқори натижаларга эришиш мумкин. Шунинг учун ҳам “Hamkorbank” АТБда ёшларнинг билим ва кўникмаларини ошириш, дунё молия бозорида рўй бераётган тенденциялардан ўз вақтида хабардор қилиш мақсадида ўзига хос мактаб яратилган. Санжарбек ҳам ана шу мактабнинг меваси. Ташаббускорлик, янгиликларга интилиш ва билимга чанқоқлиги билан ҳамкасбларига ўрناк бўлиб келаётган бу йигитнинг орзулари бир олам. Фурқатбек Қосимов, Шерали Хушназаров каби тендошлари бор диққат-эътиборини билим олишга қаратган. Бундай ёшлар эса албатта банк ривожланишига ўз ҳиссасини қўшиши аниқ.



Бу сонга:  
СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МАТЕМАТИК  
ЮРТДОШИМИЗ МАЛАЙЗИЯДА УСТОЗЛИК  
ҚИЛМОҚДА  
3-бем  
Фахриддин ИСМОИЛОВ:  
ТАБИАТИМДА  
ТАВАККАЛЧИЛИК  
БОР ЭДИ...  
5-бем  
МАРАДОНАНИНГ  
ҚЎЛИ ТЕККАН  
ТЎП-АУКЦИОНГА  
ҚЎЙИЛДИ  
8-бем  
12 ЙИЛ  
КУТИЛГАН  
КУБОК  
4-бем

### ● КУН ҲИКМАТИ:

Сиз илмга бор-йўғингизни бермагунингизча, у сизга бирор нарса бермайди.

Имом ҒАЗЗОЛИЙ.



Ўзингиз ёқтирган мавзуларда мақолалар ўқишни истасангиз, 2023 йил учун “HAMKOR PRESS” га обуна бўлинг. Бўш вақтингизнинг мазмунли ва мароқли ўтишида газета сизнинг сеvimли суҳбатдошингизга айланади.

ОБУНА БАҲОСИ  
140 МИНГ СЎМ.

## ҲОКИМЛАРНИНГ КАДАСТР ОРГАНЛАРИ ИШИГА АРАЛАШИШИ ТАҚИҚЛАНЯПТИ

**"Давлат солиқ қўмитаси ҳузуридаги Кадастр агентлиги фаолиятини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги Президент қарори қабул қилинди.**

2023 йил 1 январдан:

- кадастр агентлиги ҳудудий тузилмалари фаолиятини ташкил этиш Кадастр агентлиги томонидан амалга оширилади;
- ҳудудий бошқарма ва бўлимлар фаолиятини молиялаштириш республика бюджетидан амалга оширилади;
- ҳудудий бўлимлар, Давлат кадастрла-

ри палатаси ҳудудий бошқармалари ва туман (шаҳар) филиаллари фаолиятига ҳокимлар томонидан аралашishi ёки таъсир ўтказиш қатъий тақиқланади.

2023 йил 1 июлгача Кадастр агентлиги органларига тааллуқли маъмурий ҳуқуқбузарликлар тўғрисидаги ишларни E-ma'muriy ish тизи-



ми орқали электрон кўриб чиқиш имкони яратилади.

Қарор билан қуйидагилар ташкил этилди:

- Кадастр агентлиги марказий аппаратида – Фазовий маълумотлар миллий инфратузилмасини ривож-

лантириш бошқармаси

- Кадастр агентлиги ҳудудий бошқармаларида – чегара масалалари бўйича бош мутахассис лавозими;

- Тошкент геодезия ва картография коллежиде – Кадрларни қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш маркази;

- "Геоинновация маркази" тузилмасида – қиёслаш ва калибрлаш лабораторияси, докторантура фаолияти, Фазовий маълумотлар соҳасида стандартлаш бошқармаси ҳамда Илмий-тадқиқот фаолиятини муво-

фиқлаштириш бўлими.

Янги ўзлаштирилган ерлар Қишлоқ хўжалиги вазири хулосасига мувофиқ вилоят ҳокимлари қарорига асосан қишлоқ хўжалигига мўлжалланган ерлар тоифасига киритилади.

Қарор билан 2023–2026 йилларда Кадастр агентлиги фаолияти асосий прогноз кўрсаткичлари ва унинг моддий-техника базасини такомиллаштириш дастури тасдиқланди. Унга кўра, агентлик 25 169 гектар ер участкаларини ўлчаб, электрон хариталарини яратди.

## ИҚТИСОДИЁТ ХАБАРЛАРИ

**Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиш суръати 5,8 фоизни ташкил этди.**

### ЎСИШ СУРЪАТИ 5,8 ФОИЗНИ ТАШКИЛ ЭТДИ

Қайд этилишича, саноат ишлаб чиқариш физик ҳажми индекси – 5,3 фоиз, қурилиш ишлари ҳажмининг ўсиш суръати – 6,3 фоиз.

Бундан ташқари, чакана савдо товар айланмаси ўсиш суръати – 10,8 фоиз, бозор хизматлари ҳажмининг ўсиш суръати – 15,4 фоиз.

Шунингдек, қишлоқ, ўрмон ва балиқчилик хўжалигининг ўсиш суръати – 3,6 фоиз, ташқи савдо айланмаси ўсиш суръати – 27,2 фоиз.

Ўз навбатида, экспортнинг ўсиш суръати – 35,7 фоиз, импортнинг ўсиш суръати – 22,3 фоиз, фаолият кўрсатаётган корхона ва ташкилотлар сони – 577 994 та, транспортда юк ташишининг ўсиш суръати – 2,1 фоиз, аҳолининг умумий даромадлари ўсиш суръати – 10,7 фоизни ташкил этган.

.....

**2022 йилнинг январь-сентябрь ойларида Ўзбекистон Республикасининг ташқи савдо айланмаси 36 млрд. АҚШ долларидан ошганлиги маълум қилинди.**

### ТАШҚИ САВДО АЙЛАНМАСИ 7,7 МЛРД. ДОЛЛАРГА ОШДИ

Давлат статистика қўмитаси маълумотларига кўра, бу ўтган йилнинг мос даврига нисбатан қарийб 7,7 млрд. АҚШ долларига кўдир.

Ташқи савдо айланмасида экспорт ҳажми – 14,1 млрд. долларга тенг бўлди. Бунда: маҳсулотлар – 11,3 млрд. хизматлар – 2,8 млрд. доллар.

Ўз навбатида, ташқи савдода импорт ҳажми – 21,9 млрд. долларни ташкил қилди. Бунда: маҳсулотлар – 20,1 млрд. доллар, хизматлар – 1,8 млрд. долларни ташкил этди.

## ЯНГИ БОШ ВАЗИР ҚАСАМЁД ҚИЛДИ

**"Италия биродарлари" партияси етакчиси Жоржа Мелони мамлакатнинг янги бош вазир сифатида қасамёд қилди.**

Ҳукуматнинг янги раҳбари билан бирга, 24 нафар вазир қасамёд қилди, уларнинг 6 нафари аёллар саналади.

Янги Вазирлар маҳкамаси парламент сайловида ғалаба қозongan ўнг-марказ коалициясини ташкил этувчи "Италия биродарлари", "Лига" ва "Олға, Италия" партиялари вакилларида шакллантирилмоқда.

Жоржа Мелони Италия тарихига бош вазир лавозимида ишлаган биринчи аёл сифатида киргани айтилмақда.



## ОЙ ТУПРОҒИ НАМУНАЛАРИ ҚАЙТА ЎРГАНИЛГАЧ...

**Ойда вулқонлар отилиши, олдинги ҳисоб-китоблардан фарқли равишда, миллиард йил кечроқ тугаган. Ерға Хитой қурилмаси келтирган Ой тупроғи намуналарини ўрганган геологлар шундай хулосага келишди.**

2020 йилнинг охирида Хитой, собиқ Иттифоқ ва АҚШдан сўнг, Ой тупроғини Ерға келтирган учинчи мамлакат бўлди.

Собиқ Иттифоқ ("Луна") ва Америка ("Аполлон") кемалари келтирган Ой намуналарининг ёши 3 млрд. йилдан ошиши аниқланган, шу сабабли узок



**Франкфурт китоб кўргазмаси дунёдаги энг нуфузли тадбирлардан бири саналади. Бу йилги тадбирда 90 дан зиёд давлатнинг 4000 экспонатини намойиш этилди.**

172 минг квадрат метр майдонни эгаллаган залларда жаҳон адабиёти дурдоналари, бестсел-



## ҚИРОЛ КИТОБ КЎРGAЗMАСИДА ҚАТНАШДИ

лерлар, ноширликнинг сўнгги ютуқлари тақдим этилди.

Китоб ярмаркасида адабиётга

энди кириб келаётган қаламкашлардан тортиб забардаст адибларга қадар – юзлаб ижодкорлар қатнашди. Кўргазма доирасида ноширлар, адиблар, таржимонлар, расомлар, кутубхоначилар, китоб савдоси

## ЕТТИ ИҚЛИМДАН ДАРАКЛАР

### ТРАМПНИНГ СОБИҚ МАСЛАҲАТЧИСИ ҚАМАЛДИ

**Колумбия округи (АҚШ) федерал суди сиёсий маслаҳатчи, собиқ президент Доналд Трампнинг катта маслаҳатчиси Стивен Бэннонни Конгрессга ҳурматсизлик кўрсатган, деб топди. Суд қарорига кўра, Бэннон 4 ойни қамоқда ўтказиб, 6,5 минг доллар жарима тўлайди.**



Стивен Бэннон 2021 йил 6 январидеги воқеалар (ўшанда Трамп тарафдорлари Капитолийга бостириб киришганди) бўйича, гарчи чақирув қоғози олса ҳам, гувоҳлик бериш учун парламент комиссиясига келмаган. У аввал бир неча марта гувоҳлик берганман, деб баҳона қилган. Суддан сўнг унинг адвокатлари ҳукм юзасидан шикоят қилишларини айтишди.

.....

йиллардан бери Ой вулқонлар нуқтаи назаридан камида 3 млрд. йиллик "ўлик тана", деб ҳисоблаб келинган.

Бироқ хитойликлар келтирган намуналар Ойда вулқонлар анча кеч — камида 2 млрд. йил аввал сўнганини исботлади.

.....

вакиллари, соҳа экспертлари учун илмий-амалий анжуманлар ўтказилди.

Анъанага кўра ҳар йили Франкфурт кўргазмасига муайян давлат фахрий меҳмон сифатида таклиф этилади. Бу гал 200 га яқин ёзувчи-шоир Испания адабиётини тамсил этди. Кўргазмада Испания қироли Филипп VI ва қиролича Летисия ҳам шахсан қатнашди.



**Сухбатдош ҳақида:** **Зайниддин Эшқувватов** 1966 йилда Самарқанд вилояти, Булунғур туманида туғилган. Ўзбекистон Миллий университетида таҳсил олган. Узоқ йиллар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида талабаларга дарс берган. 2004 йилдан буён Малайзияда истиқомат қилади ва Малайзия Теренггану университети ўқитувчиси.

У бизга қуйидагиларни гапириб берди:



## ДИЁРИМИЗ МУЗЕЙЛАРИ

Музейлар фақатгина маданий қадриятлар намойишигига бўлиб қолмасдан, улар бизни ўтмиш саёҳатига чорловчи йўлчи юлдуз ҳамдир. Ўзбекистон музейлари 130 йиллик тарихга эга. Мамлакат миқёсида мунтазам фаолият юритаётган 1200 дан зиёд турли йўналиш ва соҳа музейлари таширф буюрувчиларни мамнун қилиб келмоқда. Эътиборлиси улар йилдан йилга маънан бойиб, мунтазам кенгайиб бормоқда. Қуйида мамлакатимиздаги етакчи музейлар ҳақида ҳикоя қиламиз.

## ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ ТАРИХ МУЗЕЙИ



Мазкур музей Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Археология институти қошида фаолият юритади. Республикадаги энг кекса ҳамда муҳим аҳамиятга эга музейлардан бири бўлиши бу масканда 250 мингдан зиёд экспонатлар сақланади.

Музейга 1876 йилда асос солинган бўлиб, ҳозирги кунга қадар унда кўплаб тадқиқотлар олиб борилади. Музейнинг бой экспозицияси Ўзбекистоннинг тош асридан бошлаб бугунги замонавий тарихига оид маълумотларни намойиш этади. Хусусан, қадимий экспонатлар ўрин олган бўлим кишида катта қизиқиш уйғотади: тош буюмлар, қоятош суратлари, петроглиф, неандерталнинг скелети ва бошқалар.

## ТЕРМИЗ АРХЕОЛОГИЯ МУЗЕЙИ

Музей 2001 йилдан фаолият кўрсатиб келмоқда ва ҳақли равишда республикадаги энг яхши ҳамда қизиқарли археология "сарой"ларидан саналади. Таширф буюрувчилар диққатига музейнинг таассуротли, жумладан, лойдан ясалган салмоқдор чўмилиш тоси, қачонлардир аҳамонийлар қасрини бебаб турган. Қайта тикланган деворий суратлар, қаҳрамонларнинг лой ҳайкаллари, Будда ҳайкали ҳамда ибодатхона ёзувлари ҳавола қилинган бўлиб, улар одамларга тарих нафасини ҳис қилишига имкон беради.

Музейдаги жами экспонатлар тахминан 27 минг намунани ташкил этади. Улардан 16 мингдан зиёди ноёб китоб ва қимматбаҳо қўлёзмалардан иборат.

## АФРОСИЁБ МУЗЕЙИ

Афросиёб музейи Самарқанддаги эраимдан аввалги VII – VIII асрларда бу ерлар гуллаб-яшнаган қадимий Афросиёб шаҳри харобалари бағрида жойлашган. Бугунги музейга XX асрнинг 70-йилларида асос солинган, зеро археологлар томонидан Афросиёб IX асрнинг охирида топилган. Қазилма ишлари натижа-сида топилган бебаҳо топиламалар музейнинг икки қаватидан ўрин эгалаган.

Бу ерга қўйилган турфа экспозицияси таширф буюрувчиларга Самарқанд шаҳри тарихининг диққатга сазовор жиҳатларини даврий кетма-кетликда ҳикоя қилади.

**Ш. РАҲМОНОВ** тайёрлади.

# "БРИЛЛИАНТ АҚЛ ЭГАЛАРИ"

## СИФАТИДА ЭЪТИРОФ ЭТИЛГАН МАТЕМАТИК ЮРТДОШИМИЗ МАЛАЙЗИЯДА УСТОЗЛИК ҚИЛМОҚДА

### НЕГА МАТЕМАТИКАНИ ТАНЛАДИМ?

Оиладаги етти фарзанднинг бешинчиси. 1983 йил Тошкент давлат университети (ЎЗМУ)нинг амалий математика ва механика факультетига ўқишга кирганман ва 1988 йилда муваффақиятли тамомлаганман.

Математика соҳасини танлашимга отам ва раҳматли катта акам сабабчи бўлишган. Отам Самарқанддаги педагогика техникумида ўқиётган пайтда Иккинчи Жаҳон уруши бошланган. Урушда қатнашган, 3 марта жароҳат олган, 1944 йилда қишлоғимизга қайтган. Бирок ўша вақтда шароит бўлмаганлиги боис ўқишини давом эттира олмаган. Абдуқаҳҳор, Абдусаттор акамлар ҳам математик. Уларнинг математика борасидаги суҳбатлари, баҳслари билан улғайдим, таъсирида ҳисоб илмига қизиқдим. Укам Аслиддин география фанидан дарс беради.

### ЎЗБЕКИСТОНДА ЎРГАНГАНЛАРИМ ЕТАРЛИ БЎЛМАДИ

2000 йилда "Устоз" фонди томонидан ўтказилган танловда ғолиб бўлдим ва Япониянинг Ниппон фонди молиялаштирган иқтисодиёт соҳасига доир махсус курсларга қатнашдим. Кейин Малайзия ва Японияда малака оширдим. Бир йилдан сўнг PhD диссертациямни муваффақиятли тамомлагач, 2002-2003 йиллар Путра Малайзия университети ташкил қилган халқаро конференцияда маъруза қилдим. Сўнг мазкур олийгоҳга ўқитувчилик (лекторлик) учун ҳужжат топширдим ва 2004 йилда қабул қилиниб, ўшандан бери шу ерда фаолият юритяпман.

Биласизми, ҳаёт йўлимдаги яна бир муваффақиятим шуки, 1996-2004 йиллар Жаҳон иқтисодиёти ва дипломатия университетида ишлаган давримда олийгоҳнинг ўша вақтдаги ректори Саидмухтор Саидқосимов раҳбарлигида инглиз тилини ўрганишга, шу билан бирга инглиз тилида дарс беришга шароит яратилган эди. Аспирантлик (1990-1993 йй.) давримдан инглиз тилини ўргана бошлаган бўлсам ЖИДУга ўтгач, уни яна-

да кучайтиришга имконият бўлди. Путра Малайзия университетида келиб ушбу тилда дарс беришга тўғри келгач, Ўзбекистонда ўрганганим асқотган бўлсада, етарли эмаслигини ҳис қилдим ва тилини ўрганишга қаттиқ киришдим. Талаб даражасида дарс бериш ва мулоқот қилишга эга бўлдим.

### "БРИЛЛИАНТ АҚЛ ЭГАЛАРИ"

Малайзияда ўқитувчилар жуда катта ҳурмат ва мавқега эга. Хусусан, мамлакатда коррупциядан ҳоли бўлган соҳалардан бири айнан таълим тизими. Ўқитувчилар тажрибаси ошган сайин ойлиги ҳам ошиб бораверади. Нафақага чиқаришда маошининг энг катта фоизи миқдоригача нафақа белгиланади. Эътиборлиси, университетда математикларнинг ҳурмати жуда юқори. "Бриллиант ақл эгалари" сифатида эътироф этилади.

Амалий математика йўналиши Малайзияда жуда яхши ривожланган. Назарий математика бир оз оқсаган. Шунинг учун ҳам биз ўзбекларни Ал-Хоразмий авлодлари – булар фанда ҳам илғор, динда (Имом Бухорий авлодлари деб қарайди) ҳам собитқадам деб билишади.

### ФИЛЬМ ВА КИТОБЛАР

Мен ёқтирган ва фойдали деб билган фильмлар — "Дири-лиш" ва "Қурилиш". Бу киноларда Халифа Усмоннинг отаси Эртуғрул ҳаёти давомида Ислом-га қилган хизматларидан бошла-ниб, ўғли Халифа Усмон "Усмонийлар Империяси"ни қандай ташкил қилгани батафсил баён қилинган.

Шайх Ҳазратларининг китоб-ларидан "Тафсири Ҳилол", "Ҳадис ва Ҳаёт" тўплами, шу билан бирга ёзувчи Тоҳир Маликнинг "Одамийлик мулки", "Шайтанат" китоблари ва Азамат Қаржановнинг "Телба келинининг кундалиги" асарларини севиб ўқийман ва китобсеварларга ўқишни тавсия қиламан.

### ИЛМИЙ ФАОЛИЯТДАН ТЎХТАганим ЙЎҚ

Дастлаб Путра Малайзия университети, кейинчалик эса Малайзия фан ва ислом уни-верситетида фаолият юритдим.

Ҳозирда Теренггану универси-тетиде ишляпман. Шогирдлар чиқардим. 5 та PhD ва 4 та магис-трант илмий ишига раҳбарлик қилдим. 2 нафар Ўзбекистонлик талабам билан илмий изланиш олиб борапмиз. Шу ўтган йиллар мобайнида икки давлат олим-ларининг ҳамкорлиги ривожига ҳисса қўшганимдан хурсандман.

Таълим бериш баробари-да илмий фаолиятдан тўхтаганим йўқ. Айни дамда дол-зарб ва амалий аҳамияти катта бўлган "Турли тартиб-ли сингуларинтеграллар"ни тақрибий ҳисоблаш, "Сингулар-интеграл тенгламаларни" сон-ли ечиш, ночизикли интеграл ва интегро - дифференциал тенг-ламаларни аппроксимациялаш бўйича анчагина натижаларга эришиб, диссертация ҳолига кел-тирганман.

### ОИЛАНИ ҚАДРЛАШНИ МАЛАЙЗИЯЛИКЛАРДАН ЎРГАНДИМ

Таълим тизимида шан-ба, якшанба дам олиш кунла-ри. Маҳаллий аҳоли бу кунлар-ни оиласига тўлиқ бағишлайди. Мен ҳам шунга одатландим. Қолаверса, иш кунини 8 соат бўлгани учун ишдан кейинги вақтимизни оила ва фарзанд-лар билан ўтказишга фурсатимиз бор.

Рафикам Гулшода ҳамшира, тўғрироғи оиламиз ҳамшираси. Фарзандларим тарбияси билан банд. Қизим Нулуфар Путра Малайзия университети инглиз филологияси факультетини ва Бирмингҳамдаги BPP универси-тетини ACCA йўналиши (сертифи-катланган бухгалтерлар уюшма-си)ни қизил дипломга битирган. Ҳозир, Англияда дунёдаги энг катта 6 аудит компаниялардан бири – GrantThornton'да аудитор бўлиб ишламоқда.

Катта ўғлим Салоҳиддин Малайзия Петронас университе-тини битиргач, 4 йил муҳандислик йўналишида Австралияда фао-лият юритиб келди. Бугунги кун-да, компьютер соҳаси бўйича магистратурада таҳсил олмақда. Кенжамиз Аҳмаджон ҳам ком-пьютер фанлари йўналишида ўқийди.

**Нурилло ТЎХТАСИНОВ**  
суҳбатлашди.



**Аҳоли ишончини қозониш мақсадида банклар фаолияти кун сайин такомиллашиб, халқимиз учун қулай шароитлар яратилмоқда. Жумладан, мамлакатимизда саноатни ривожлантириш, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик улуғи ҳисобига ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш соҳасини кенгайтиришга катта эътибор берилмоқда. Янги корхоналар ташкил этиляпти, янги иш ўринлари яратилляпти. Ўз навбатида, ҳўжалик субъектлари сонининг ортиши банк миқозларининг кўпайишига замин бўлмоқда.**

## ЭНГ АСОСИЙСИ — МИЖОЗ ИШОНЧИ

“Hamkorbank” АТБнинг барча филиал ва банк хизматлари офисларида жорий қилинган аҳолининг солиқ ва коммунал тўловларини қабул қилиш, халқаро пул ўтказмалари, валюта айирбошлаш, кредит олиш ва омонат қўйиш амаллари Ҳазорасп филиалида ҳам бажарилади. Ҳар қандай бизнес турлари бўйича маслаҳатлар берилади.

Филиалда омонат турлари бўйича кўрсатиладиган хизматлар намунали. Аҳоли бўш пул маблағларини жалб қилиш борасида ходимларимиз ўз касбига садоқат билан ёндошишади ва бу борада дои-



мий изланишда. Улар банк депозити бўлмиш-омонатлар, омонат дафтарчаси, омонат сертификати ва омонатга фоиз тўлаш ҳақида фикр ва қулай таклифлар билдира оладиган даражада салоҳиятга эга. Белгиланган шартларга қатъий амал қилишади. Ҳисобланган устама фоизларини ўз вақтида тўлаб турилиши омонатчининг биринчи талаби эканлигини яхши билишади. Чунки миқоз ишончини йўқотиш жуда ёмон. Шундан келиб чиқиб, ҳозирда омонатлар ҳажми ўсиши ва аҳолининг банк хизматларидан кенгроқ фойдаланиши йўлида самарали меҳнат қилинляпти. Айни вақтда 20 га яқин миллий ва хорижий валютада муддатли ҳамда жамғарма омонатлар ташкил қилинган. Улар аҳолининг

барча қатлами имкониятларига қаратилган. Ўтган йилнинг шу даврига нисбатан аҳолининг сўмдаги омонатлари ҳажми 26 400 млн. сўмга ошиб, улар қолдиғи 48 661 сўмни ташкил қилди. Бу борада банк фаолиятида тўплаган касбий билим ва кўникмаларини, соҳа сир-асрорларини ёшларга ўргатиб келаётган универсал менежерлар Камолбек Мавланов, Сирожбек Якубов каби фаол, тажрибали ҳамкасбларимнинг ҳиссаси бор.

Алоҳида аҳамиятга эга бўлган пластик картадан фойдаланувчилар учун интернет-дўконлари ҳамда турли чакана савдо шохобчаларидан харидларни амалга ошириш имконини берувчи “Онлайн” харидлар интерактив хизматимиз миқозларга бирдек манзур бўляпти ва омонатларга кўпроқ жалб қилишда тарғибот ишлари олиб бориляпти.

Масофавий “Онлайн” омонат расмийлаштиришда ўтган йилларга нисбатан фолмиз. Жорий йилнинг январь ҳолатига 161 та миқоз суммаси 11 756 млн. сўмни ташкил қилди. 3- чорак якуни бўйича миқозлар 212 нафарга етиб, 19 082 млн. сўм бўлди. Бош банк томонидан қўйилган 9 ойлик омонат ўстириш режаси 287 фоизга бажарилди.

Филиалга ёрдамчи сифатида кичик молия муассасаси — Само БХОнинг 150 дан ортиқ миқози бор. БХОда Хуршид Отажонов, Умрбек Олимов каби 4 нафар фидойи ходимлар фаолият олиб бориляпти.

Нақд пулсиз ҳисоб-китобларни ривожлантириш мақсадида нақд пул тушумига эга барча ҳўжалик субъектлари тўлиқ инвентаризация қилинди. Филиал томонидан миқозларга қулайлик яратиш мақсадида банкоматларимиз аҳоли гавжум ҳудудларга жойлаштирилган.

**Дилшодбек АБДУЛЛАЕВ,**  
Ҳазорасп филиали  
бошқарувчиси.

**“Hamkorbank”нинг Нукус филиали ходимлари футболда анча-мунча профессионал ўйинчиларни доғда қолдиради. Улар яқинда мини футбол бўйича Тошкент шахрида бўлиб ўтган “Hamkorbank” турнирида ғолиб бўлиб, 12 йил кутилган бош совринни Нукусга олиб кетишди.**

## 12 ЙИЛ КУТИЛГАН КУБОК

Қарангки, жамоанинг 7 аъзоси — Эшнияз, Санъат, Алишер, Абубакир, Айбек, Кайсар ва Азаматлар жамоа сардори Куралбой Аскараровга “кубокни, албатта қўлга киритамиз” деб ваъда беришган эди. Йигитлар сўзининг устидан чиқишди. Турнир давомида бор куч-гайрати, маҳоратини ишга солиб, ғолиб бўлишди.

Нукуслик футболчилар дастлаб Бош банк ва “Юксалиш” жамоаларини 2:1 га, “Яккасарой”ни 4:3, ярим финалда Бош банкнинг АТ жамоасини 1:0 га ютиб, финалга йўл олди. Ҳаяжон билан кутилган финал якунига етди. Мусобақага руҳан тайёргарлик кўрган, ўз олдига катта мақсад қўйган нукусликлар финалда Жиззах жамоасини 4:1 ҳисобида мағлуб этди. Голларга Эшнияз Жаниев, Алишер Мадраимов, Абубакир Жолдасбоевлар муаллифлик қилди.

Йиллар давомида ушбу мусобақада ғолиб бўлишни орзу қилган йигитлар мақсадига эриш-



шароит яратиб берган бошқарувчимиз Султанмурат Аминовга миннатдорчилик билдирамиз. Турнир ташкилотчиларига ҳам катта раҳмат. Тадбир жуда чиройли ташкиллаштирилди, ҳакамлар ўйинни адолат билан бошқарди”, — дея ўз ташаккурини билдирди жамоа сардори Куралбой Аскараров.



ди. Ана энди кўтаринки руҳ билан банкдаги ишларини давом эттиришга бўлади.

“Футбол ўйнашимизга, турли мусобақаларда қатнашимизга

Ғолиб жамоага фахрий ёрлик, медаллар билан бирга қимматбаҳо совғалар топширилди.

**Нигора МИРОЛИМ қизи.**

## ИЛК БОР ВАЛЮТАВИЙ ФЬЮЧЕРС ОПЕРАЦИЯЛАРИ ЖОРИЙ ЭТИЛДИ

**Республика валюта биржасида илк бор валютавий фьючерс шартномалари билан олди-сотди операцияларини амалга ошириш имконияти яратилиб, ЎзРБВ давлат қимматли қоғозлари бозори мобил иловаси ва ликвидлик провайдерлари фаолияти йўлга қўйилди.**

Қайд этилишича, валютавий фьючерс шартномаларининг жорий этилиши валюта бозорида янги турдаги инструментларнинг пайдо бўлишига ҳамда бу орқали корхоналарнинг молиявий ҳолатига салбий таъсир кўрсатиши мумкин бўлган ташқи шоклар таъсирини юмшатишга имконият яратди.



**“Болалигимда биттагина сизримиз бўларди. Шу сизир рўзгоримизни сут-қатиқ билан таъминлаб, кўни-кўшни, қариндошларгача ошарди. Ўша кезларда қайсидир чет эл киносини кўргандим. Кино қахрамонининг ўз фермаси бор эди. Ундан роса таъсирланганим ва ўз фермам, кўп молларим бўлишини орзу қилганман”, — дея хотирлайди суҳбатдошим Фахриддин ИСМОИЛОВ.**

Ўзбекистонда биринчилардан бўлиб эчкичиликни йўлга қўйган, 2017 йилда “Йил фермери” номинацияси республика босқичи ғолиби сифатида Президент совғаси “Спарк” автомашинаси билан тақдирланган тадбиркор Фахриддин Исмоиловни кўпчилик яхши танийди. Ўша йили Давлатимиз раҳбари Андижонга ташрифи чоғида ҳам ишбилармон билан учрашгани ва “Фахриддиннинг олиб бораётган ишлари таҳсинга ва орденга лойиқ” дея берган мотивацияси Фахриддин акага катта ишонч берди, масъулият юкледи.

Қахрамоним болалигдаги беғубор орзуларини 1996 йиллардан бошлаб амалга ошира бошлади. Фермер хўжалиги сифатида иш бошлаган ilk даamlарида деҳқончилик учун 1 гектар ери, 10 та моли, 1-2 та трактори ва “ГАЗ-53” игина бўлган. 2004 йилда эса “Бахт имкон ривожни чорваси” кўп тармоқли фермер хўжалигини ташкил қилиб, чорвачилик, боғдорчилик, пахта, дон экинлари каби кишлоқ хўжалигининг бир нечта тармоғида фаолиятини йўлга қўйди. Тинимсиз қилинган меҳнат туфайли муваффақиятларга эришди. Унинг бугун мавқеи ҳам, давлати ҳам бор.

— Ўша кезларда ғайратим жуда жўш урган пайтлар эди. Ишлаб чарчамасдим, тракторни ҳам ўзим ҳайдардим, — дейди Фахриддин ака.

1993 йилда Тошкент автомобил йўллари институтини тамомлаган кезларда дастлаб Олтинкўл автокорхонасида иш бошлайди. Бироқ бу узоқ давом этма-

ди. — 2 ойгина ишладим холос. Ёшлик шижоатими билмадим кимгадир бўйсуниб ишлаш ёки буюрганларини бажаришдан ҳеч қониқмасдим, — дейди у. — Табиатимда таваккалчилик бор эди, алоҳида ишлагим, нималарнидир қилгим,



янгилик яратгим келаварарди. Ҳозир ҳам узоқ ўйланиб ўтирмайман, таваккал иш бошлайверман. Ўша кезларда “кўз кўрқоқ, кўл ботир” дедим ўзимга ва фермерликни танладим. Таваккалчиликлар туфайли йўқотишлардан тажриба оширдим. Лекин чекинмадим, ҳамиша олдинга қараб юрдим ва кўп нарсаларга эришдим.

Фахриддин Исмоиловнинг ҳозирда 2 минг гектар ери, 5 мингдан ортқ қора моли, 100 га яқин техникалари бор. Буғдой, мак-

кажҳори ва пахта етиштиришнинг ҳадисини олган деҳқон. Илк бор томчилаиб суғоришни йўлга қўйган изланувчан тадбиркор. Кўплаб давлатларда бўлган ва замонавий янгиликларни олиб кирган. Кам ердан кўп даромад олишни ҳам урдасидан чиққан.

2004 йилда Фахриддин Исмоилов яна бир катта ишга қўл уради. Олтинкўлдаги ишламай турган Тошкент ширкат хўжалигига қарашли фермани ким ошди савдо-



**Фахриддин ИСМОИЛОВ:**

## ТАБИАТИМДА ТАВАККАЛЧИЛИК БОР ЭДИ...

си орқали сотиб олади ва сутли маҳсулотлар ишлаб чиқаришни йўлга қўяди.

— 300 бош қорамолнинг 70-80 тасидан 250 литрга-ча сут олганмиз дастлабки пайтларда. Ҳозирда кунига 30 тоннагача сут соғилади. 5 тоннага яқини қайта ишланади, қолгани эса “Nestle” компаниясига сотилади. Мақтанишга йўймангу, республикада сут маҳсулотлари етиштириш



кирган “Бахт имкон ривожни чорваси” кўп тармоқли фермер хўжалиги 2017 йилда банкнинг 500 минг долларлик грантини ютиб, Хитой давлатидан газ ишлаб чиқариш ускунасини олиб келди ва “биогаз” ишлаб чиқариш

фаолиятини йўлга қўйди. Ҳозиргача республикаимиз деҳқон-фермер хўжаликлари биогомус маҳсулоти билан таъминлаб келмоқда. Бугунги кунда вилоят аҳлининг 300 дан зиёди иш билан таъминланган. Улар Улуғнор туманида жойлашган ферма ва Олтинкўлда-

ги сут йўналишидаги корхонада ишлашади. Аҳолини гўшт маҳсулотлари билан таъминлашда ҳам корхона илғор. Айни пайтда республикада биринчилардан бўлиб аҳолига эчки сутини етказиб беришни ҳам урдасидан чиқяпти. Сутнинг шифобахшлиги боис талаб юқори.

Тадбиркорнинг икки ўғли икки қаноти. Тўнғичи Тошкент Молия институтини тамомлагач, Хитой давлатида таҳсил олиб қайтди. Айни пайтда у “Vella Elegant” меҳмонхонасини бошқаряпти. Кичиги эса отаси каби чорвачилик ва деҳқончиликка қизиқади. Улуғнордаги ферма бошқаруви унинг зиммасида.

Дейл Карнегининг “Битта вилоятдан 100 та тадбиркор чиқади. Бироқ, уларнинг 96 нафари турли сабабларга кўра банкрот бўлиши мумкин” деган фикрлари гўё Фахриддин Исмоиловга айтилгандай. У бу майдон ичра ўз мавқеига эга, Ватанимиз иқтисодий ривожига ҳиссасини қўшаётган, халқимиз дастурхонига ризқ улашаётган ишбилармонлардан. Янгиликка интилувчи, изланувчан тадбиркорнинг режалари бисёр. Зеро уларнинг замирида эл-юртга хизмат қилиш каби эзгу ишлар мужассам.

**Нилуфар ЙЎЛДОШЕВА.**

### ЖАҲОН БАНКИ:

## МАРКАЗИЙ ОСИЁДА 20 МИЛЛИОН КИШИНING КУНЛИК ДАРОМАДИ 6,8 ДОЛЛАРДАН ОШМАЙДИ

**Жаҳон банки маълумотларига кўра, Марказий Осиёда 20 миллион киши қашшоқлик чегарасидан пастда яшайди.**

“COVID-19” пандемияси даврида қашшоқлик тез суъратлар билан ошганига қарамай, 2021-2022 йилларда кўрилган чоратадбирлар ўз самарасини берди. Иқтисодий ўсиш давом этар экан, 2022 йилда минтақада қашшоқлик ҳам пасаяди”, деди Жаҳон банкининг Марказий Осиё бўйича катта иқтисодчиси Уильям Зейтц.



Унинг сўзларига кўра, Марказий Осиёда миллионлаб одамлар қашшоқлик чегарасидан пастда яшашмоқда.

“Минтақада кунлик даромади 3,65 долларлик чегарадан кам бўлган 5 миллион киши яшайди. Шунингдек, 20 миллион инсон кунига 6,85 доллардан пастроқ даромад кўради. Марказий Осиёда қашшоқликни тугатишга эришилгани йўқ, шунга қарамай, бу тенденция жорий йилда ижобий бўлиши кутилмоқда”, — дея қўшимча қилди банк расмийси.

**Facebook маъмурияти зарарли дастурларнинг учта белгисини маълум қилди.**

### ЎҒИРЛОВЧИ ИЛОВАЛАР МАЪЛУМ ҚИЛИНДИ

Ижтимоий тармоқ мутахассислари платформадаги аккаунтлардан логин ва паролларни ўғирлайдиган 400 га яқин иловаларни аниқлади. Зарарли иловалар Google Play Store ва App Store расмий маркетплейсига жойлаштирилган. Минглаб одамлар шундай иловаларни юклаб олиши мумкинлиги ҳақида огоҳлантирилмоқда.



“Фойдаланувчи зарарли дастурни ўрнатганида, у Facebook тизимига киришни сўрайди ва кейин шахсий маълумотларни ўғирлайди”, деб тушунтирди экспертлар. Компания мутахассислари фикрига кўра, ижтимоий тармоқлар орқали тизимга кириш талабини қўювчи иловалар энг хавфлидир.

**Таниқли инглиз иқтисодчиси, молиячиси, мультимиллионер, буржуа саноати тарғиботчиси сифатида ном қозонган Давид Рикардо 1772 йилнинг 18 апрелида Лондонда православ яҳудий оиласида дунёга келди. У оиладаги 17 фарзанд орасида учинчиси саналарди. Болалигидан қатъий диний турмуш муҳитида улғайган Давид анъанавий яҳудий таълимини ўрганиш баробарида бухгалтерия, математикага қизиқди ва катта иштиёқ билан шуғулланди.**

Уйда таълим олаётган болакай отасига бир-жа савдоларида ёрдамлаша бошлади ва 16 ёшидаёқ мураккаб молиявий буюртмаларни бажаришга киришди. Бироқ...

Қўп ўтмай хонадонидagi диний қарашлардан толиққан уқувли йигитчанинг оила аъзолари билан муносабати кескин ёмонлашади. Бунга унинг насроний секталардан бири (квекер)нинг аъзоси саналган инглиз қизига уйланиши сабаб бўлади. Янги эътиқодга ўтиш Рикардога яҳудийларни унчалик хушламайдиган фонд биржасида ишлаш имконини беради. Қобилияти ва меҳнатсеварлиги туфайли 21 ёшидаёқ, ўша давр учун салмоқли саналган 800 фунт стерлинг маблағни жамғаради, тажриба тўплайди ва ҳамкорлик алоқаларини ўрнатади.



# Давид Рикардо

миллион фунт стерлингдан ошарди ва бу ўз даври учун ақл бовар қилмас маблағ эди. Шу боисдан таниқли француз иқтисодчиси Жан-Батист Сэйнинг "Рикардо каби бадавлат" ибораси бежиз айтилмаганди.

Рикардо ҳалол савдогар бўлиб, биржа этикасига оғишмай амал

ни тинмай кузатади. Бир-жа аслзодалари ва ҳукумат аъзолари билан мустаҳкам ҳамкорлик туфайли Давид Рикардо Лондон сиёсий доирасидан жой олади. 1809 йилда олтин нархининг кескин ортиб кетиши кучли баҳс-мунозараларга сабаб бўлади. Бу жараёнда фаол қатнашган Рикардо нархнинг ошишига банк сиёсатининг нотўғри ташкил этилганлиги эканлигини билдиради. У нуфузли газетада мақола билан чиқиб, олтин қиймати ошмаслиги учун пул эмиссиясида банкнинг ваколатини чеклашни билдиради. Мақола жамоатчиликнинг жиддий муносабатини юзага келтиради, газеталарда қизғин бахс-мунозаралар авж олади.

Шундай кунларнинг бирида у таниқли иқтисодчи Томас Мальтус билан танишиб қолади ва ҳаммаслақ, ҳамфикр сифатида дўстлашишади. Биргаликда бир қатор молиявий ғояларни илгари суришади.

Рикардо инглиз саноат корчалонларининг манфатларини ҳимоя қиларди ва бу борада бир қанча асарлар яратди. Бу даврда у мамлакатнинг йирик ер-мулк эгаларидан бири эди.

Унинг қарашлари ва фикрлари хилма-хил ва кутилмаган эди. Рикардонинг таълимотича, иш ҳақи — бу меҳнатнинг баҳоси. Меҳнат бозор ва табиий қийматларда шаклланади ва ҳар доим ҳам бир-бирига мос келмайди.

1819 йилда Британия парламентининг аъзоси сифатида фаол иш олиб боради. "Нон қонунлари"га қарши чиқади, савдо эркинлигини тарғиб қилади, банк тизимини ва пул айланмасини кучайтиришни таклиф этади, қизғин маърузалар уюшти-ради.

Яқинлари ва танишлари уни оилапарвар, ақлли ва ҳалол инсон дея таърифла-шарди.

Сиёсий ва илмий салоҳияти кучайган кезде — 1823 йилнинг сентяб-рида хасталик оқибатида вафот этади. У ҳақдаги некро-логда куйидаги жумлалар битилганди:

"Бой бўлиш санъати бизда катта ҳурмат билан фойдаланилмай-ди. Ҳолбуки Рикардо бар-ча жабҳаларнинг бирорта-сида ҳам ўз истеъдодини айнан пул ишларида бўл-гани каби юқори даражада кўрсатмаганди".

**Ҳ. ТОҲИРОВ**  
тайёрлади.

**1888 йил 30 октябрь. Бу кун кичик ўқув қуролига оид катта кашфиёт — шарикли ручканинг илк намунасига патент олинган сана сифатида тарихга битилган.**

Мазкур кашфиёт соҳиб-расман Жон Луад (АҚШ) ҳисобланади. У ўз ихти-росини 1888 йил октябрь ойида тақдим этган бўлса-да, тахминан ҳозирги кўри-нишдаги ручкалар ўтган асрнинг 30 — йиллари охи-ридагина кенг тарқала бош-лаган.

Ҳозирда барчамизнинг қўлимизу кўзи-миз ўрганган ручка учун вен-гриялик журна-лист Жозеф Ласо Биро патент

## ЭГАЛАРИНИ БАДАВЛАТ ҚИЛГАН РУЧКА



муваффақ бўлади. Аргентинада-ги Tversharp компанияси омадли журналистга ўша даврда мисл-

сиз бойлик ҳисобланган 1 мил-лион АҚШ доллари миқдориди пул тўлайди.

Янги маҳсулот арзон ва қулайлиги билан тезда халқ эътиборини тартади. Ихчам-гина ўқув қуроли Аргентина-да саёхатда юрган америкалик савдогар Милтон Рейнолдс-нинг қўлига тушди. Ўз касбининг устаси бўлган Рейнолдс ушбу янгилик орқали қанча фой-да кўриш мумкинлигини чама-лайди. Суриштириб, ихтиро-фақатгина икки мамлакатда

рўйхатдан ўтказилгани, муҳими, жаҳоннинг энг катта бозори — АҚШга кириб улгурмагани, бу борада ҳеч қандай расмий ҳужжатлар имзоланмагани-ни аниқлагач, дарҳол ишга киришади. Савдогар 1943 йилда ўзганинг кашфиёти учун АҚШда патент олиб, оммавий ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Рейнолдс адаш-маганди: шарикли руч-ка яшин тезлигида шуҳрат қозонади, Нью-Йоркдаги биргина Жимбел дўкониди бир куннинг ўзиди 10 минг доналаб сотилади. Тўғри, кашфиёт муаллифи Биро ўз ҳақ-ҳуқуқларини суд орқали тикламоқчи бўлади, бироқ унинг уринишлари кутилган натижа бермайди.

Бу билан ручканинг "милли-онлар туғиш" борасидаги вазифа яқун топмайди. 1958 йил-да франциялик Марсель Бик ручка механизмини янада сод-далаштириб, таннархини ҳам арзонлаштирган ҳолда ВИС номи остида ишлаб чиқаришни йўлга қўяди. Шу тариқа бугунги кунда дунёдаги ўқув қуроллари бозо-рининг каттагина қисмини эгал-лаган ВИС Corporation компания-сига асос солиниб, унинг соҳиб-жаҳоннинг энг бадавлат киши-ларидан бири бўлиб қолади.

## КАШФИЁТЛАР ОЛАМИ

### Ўқинг, қизиқ!

### КУТИЛМАГАН МЕРОС

Бойларнинг бир неча тоифаси бор: кимдир бой оилада туғилган ва ҳаётида бир кун ҳам ишламаган бўлса, бошқалари бутун умри давомида тинимсиз меҳнат қилишади, камдан кам одам эса арзимаган пулга лотерея чип-тасини сотиб олиб бошига бахт қушини қўндиради ва энди улар ўз миллионларини қаерга сарфлашни билмайди.

\*\*\*

### ТАСОДИФИЙ ТАНЛАНГАН 17 МЕРОСХЎР

Бутун умрини бўйдоқликда ўтказган порту-галиялик аристократ Луис Карлос де Норонья Кабрал да Камара 42 ёшида табиий сабабларга кўра вафот этди. Ўша кунгиде ҳеч нарсадан хабари бўлмаган ўн етти португалияликка кўнғироқ қилишди ва улар энг бой одамлар-дан бирининг меросхўри бўлганликларини айтишди.



Луис ўлимидан 13 йил олдин телефон китобида ёздириб қолдирган бу одамларни тасодифий тарзда танлаб олди ва уларга 35 минг евродан ташқари 12 хонали квартира, уй ва машинани васият қилиб қолдирди. Васият-га кўра буларнинг ҳаммаси бу ўн етти нафар нотаниш одамлар ўртасида тақсимланди.

**Б. МУҲАММАДИЕВА**  
тайёрлади.



**Марғилон ҳофизлар юрти. Бу маскан ўзининг бой тарихи, ажойиб ва нозик-таъб одамлари, санъаткорлари билан доврўз топиб келаётган обод ва сўлим шаҳарлардан бири. Ушбу қадимий шаҳар ноёб ва ширали овози билан санъатсеварлар қалбини ром этган хуш-овоз хонанда, халқ ҳофизи Маъмуржон Узоқов (1904 — 1963 й. й.)нинг таваллуд топган юрти ҳамдир.**



## УМРИНИНГ СЎНГГИ НАФАСИГАЧА

**қўшиқ айтган буюк ҳофиз**

Маъмуржон ака қўшиқ айтишга жуда эрта меҳр қўйди. Аввал Маматбобо ва Болтабой ҳофизлардан ашула, Ҳасан қўридан дутор чалиш ва ялла айтишни, мураккаб ижро услубларини ўрганди. Катта ашулалар айтишининг ўзига хос қийинчиликлари ва нозик сирларини ўзлаштирди. Кўп йиллар самарали ижод қилиб, катта ҳофизлар билан ҳамнафас бўлиб қўшиқлар куйлади. М.Узоқов дастлаб "чайхоналар"да берилган концертларда қатнашиб юрди. 30-йилларда эса Марғилон театрида хонанда сифатида фаолият юритди ва қўшиқчиликда ўз ўрнини топа бошлагач, Тошкентга келиб, 1940—1950 йилларда Муқимий номидаги Ўзбек давлат мусиқали драма театрида артист ва хонанда бўлиб ишлади, баъзи спектаклларда роллар ижро этди.

Маъмуржон Узоқов гўё саҳна учун туғилгандай. Ўз овози, ўз созига эга санъаткор сифатида халқ орасида ҳурмат қозонди, қадр топди. Ҳаётнафас оҳанглар билан яшаб ўтди. 1952—1962 йилларда Ўзбекистон радиосида хонанда, Ўзбек давлат эстрадасида солист сифатида фаолият кўрсатиб, нафақат республикамизда, балки, бошқа давлатларда бўлган катта маданий тадбирларда қатнашди. Муқимий, Фурқат, Ҳамза, Ҳабибий, С.Абдулла шеърлари билан айтиладиган қўшиқлар унинг репертуаридан мустақкам ўрин олди. Айниқса, ҳофиз ижросидаги "Кўзларинг", "Сайдинг қўябер сайёд", "Шайдо бўлибман", "Мустаҳзод", "Парво этиб кет", "Айрилмасин", "Кўзим шаҳлога тушди", "Қачон

бўлғайким", "Томон келадур", "Доғман" каби халқ қўшиқлари, катта ашула ва яллаларни мухлислари мароқ билан тинглаб, эстетик завқ олдилар. Шунингдек, М.Мирзаев куй басталаган "Якка бу Фарғонада", "Сура-тинг" (Муқимий), "Нур истаб", "Қачон бўлғайким" (Фурқат), "Бир келиб кетсун" (Ҳамза) каби нодир қўшиқлар ҳам унинг ижодида муҳим ўрин тутган.

1976-1982 йилларда Ўзбекистон Давлат консерваториясида Европа классик вокал мактабидан таълим берган таниқли санъат арбоби Г.А.Храмов шундай хотирлайди: "Бизларни ҳамда кўп ашулачиларни ўша даврда Москвага малака ошириш учун юборишган. Орамызда Маъмуржон Узоқов ҳам бор эди. Ҳаммамизнинг овозларимизни навбатма-навбат текшириб, гал Маъмуржон Узоқовга келганда: "Сенинг овозинг мукаммал экан, бу ерда шуғулланишинг шарт эмас, агар хоҳласанг, ҳозир сенга малака оширди, деб ҳужжат беришимиз мумкин, овозингга эҳтиёт бўл, бундай овоз камдан-кам учрайди" деганди.

Кейинчалик мусиқашунос А. Зокиров: "Мутасассиснинг ушбу фикридан англаш лозимки, Марғилон ҳофизлиги мактаби, жаҳон вокал ижрочилиги - "Belcanto" ижрочилиги мактаби даражасига мосдир. Бизга маълум бўлмаган қадимий вақтлардан бошлаб, бу мактабга асос солинган" дея ёзганди.

Улуғ санъаткорнинг ижодий меҳнати муносиб тақдирланган. 1939 йилда "Ўзбекистон халқ ҳофизи" унвони берилди. Маъмуржон Узоқов

чинакам санъат фидойиси эди. У умрининг сўнги лаҳзасига қадар эл хизматида бўлди. 1963 йилда Марғилонда қўшиқ айта туриб жон берди. Вафотидан сўнг анча йиллар ўтиб, 2000 йилда ўзбек миллий маданияти ривожига қўшган улкан ҳиссаси эътиборга олинди, "Буюк хизматлари учун" ордени билан мукофотланди.

Ҳозирда кўп ҳофиз ва хонандалар халқ қўшиқлари, яллалар, айниқса, катта ашула айтишда Маъмуржон Узоқов анъаналарини муносиб давом эттирмоқдалар. Бир неча йилдан буён унинг хотирасига бағишлаб қўшиқлар кўрик-танлови ўтказилиб келинмоқда. Иштирокчилар учун Марғилон шаҳридаги Машъад қабристонидан устоз қабрини зиёрат қилиш, унинг порлоқ сиймосини хотирлаш анъанага айланган. Халқимизнинг эл ардоғидаги инсонлар ҳаммаша барҳаёт, деган сўзлари бежиз айтилмаган. Ҳофизнинг умр боқий қўшиқлари ҳамон яшаётгани бунинг мисолидир.

**Муҳаммадали МУҲАММАДҚУЛОВ.**

**Ҳар бир касбнинг ўзига хос томонлари бўлиб, ташқаридан қараганда бир-бирига ўхшайди, аммо ўрталарида кескин фарқ қилувчи жиҳатлари билан ажралиб туради.**

Машҳур юрак жарроҳи автомобилини моторини кўрсатиш учун механикнинг устахонасига олиб келди. Уста автомобил моторини очиб таъмирлашни бошлади, яроқсиз бўлиб қолган айрим эҳтиёт қисмларини олиб, янгисини ўрнатди. Уста жарроҳга қараб: "Мумкин бўлса сизга битта савол берсам, майлими?", деб қолди.


Жарроҳ озгина ҳайрон бўлиб: "Майли сўранг!", деди.

## ИБРАТ

яна ҳомиладор бўлди. Бу сафар ўғил! Лекин катта қиз фарзанди тўсатдан вафот этди. Она иккинчи ўғилни дунёга келтирди. Аммо иккинчи қиз вафот этди. Шу зайл ҳар сафар ўғил туғилса, битта қиз дунёдан кўз юмар эди. Она беш ўғилни дунёга келтирди. Лекин бешта қизини қабрга қўйди. Фақат отаси қўтилишни истаган кенжа — олтинчи қизигина тирик қолди. Кейин эса онанинг ўзи бу фоний дунёни тарк этди.

Ҳозир ўша қиз ҳам, укалари ҳам улғайишган. Ўша отаси халос бўлишни иста-

## НИМА УЧУН ТУРМУШГА ЧИҚМАГАНСИЗ?



дан чиқиб, олтинчи қизни қўлига олиб, Хуфтон намозидан кейин масжид оstonасида қолдирди. Бомдод намозида келиб қараса, чақалоқ қўйиб кетган жойида турибди, уни ҳеч ким олиб кетмабди. Ноилоҳ ота қизни уйига қайтариб келди ва кечгача онаси олдида қолдирди.

Хуфтон намозидан кейин чақалоқни яна масжид эшиги олдида қолдириб кетди. Бомдод вақтида яна қизини қайтариб олиб келди. Бу ҳол етти кун давом этди. Онаи-зор эса етти кун тинимсиз қизи учун Қуръон ўқиб, дуо қилиб ўтирарди. Ота ўз ишидан ўзи зерикиб қизни уйда қолдиришга қарор қилди. Бундан она жуда хурсанд бўлди.

Озгина муддат ўтиб она

ган олтинчи қиз ким эканини биласизларми? Ўша қиз менман. Отам қариб қолган. Унга қарайдиган ҳеч ким йўқ. Мен барча хизматларини қиламан, таом ҳозирлайман, хуллас, нима парвариш бўлса, ўзим қиламан. Турмушга чиқмаслигимнинг асосий сабаби ҳам мана шу.

Бешта укам эса отамни зиёратига келиб турадилар. Қайси биридир, бир ойда бир, яна қайсиси икки ойда бир "қораси"ни кўрсатиб кетади. Отам эса менга нисбатан (гўдаклигимда) қилган ишларидан пушаймон бўлиб ҳар куни йиғлайди. Субҳаналлоҳ!

**Араб адиби Муҳсин ЖАББОРнинг "Менга ҳаётни аңлатган қиссалар" китобидан.**

Механик: "Сиз юраклар устида амалиёт олиб борасиз. Мен ҳам автомобилларнинг "юрагини" (яъни, моторини) очаман, худди сиз каби касалини топиб, ислоҳ қиламан. Касбимизнинг моҳияти бир-бирига жуда яқин. Лекин айтинг-чи, нима учун оладиган иш ҳақимиз кескин фарқ қилади? Опера-циянгиз учун жуда кўп пул оласиз, сизга нисбатан бизга жуда кам пул тўланади. Сабаби нима?" деди.

Жарроҳ механикнинг олдида жуда яқин келиб, унинг қўлига энг паст овозда, деярли шивирлаб: "Агар қўлингдан келса, автомобилни ўчирмасдан моторини таъмирлаб кўрчи!?", деди.

## ҲИКМАТЛИ ЖАВОБ



# Олтин кўз лавҳалари

Биласизми, дарахтлар баҳорда кўз ёрадиган куртакларини аслида кузда дунёга келтирар экан. Демак, ҳаёт давомийлигидан даракдир бу фасл. Куз интиҳоро эмас, аксинча ҳаётнинг бошланишидир...

Ана, япроқ узилиб тушмоқда. Шамол ҳовучида чайқалиб, қалқиб учмоқда. У – бахтиёр. Боси ҳар узилган япроқ ўрнида бир жуфт куртак бунёд бўлди.

Аргентина-лик футболчи Диего Марадона томонидан 1986 йилги жаҳон чемпионатида Англия дарвозасига қўли билан йўлланган тўп аукционга қўйиладиган бўлди.

## МАРАДОНАНИНГ ҚЎЛИ ТЕККАН ТЎП АУКЦИОНГА ҚЎЙИЛДИ

Тўп ушбу ўйинни бошқарган тунислик ҳакам Али бин Носир томонидан кимошди савдосига қўйилган. Аукцион 16 ноябрь куни ўтказилади ва тўп 2,5 – 3 миллион фунтга сотилиши мумкинлиги билдириляпти.

Марадона ЖЧ-1986 чорак финалида футбол тарихидаги энг машҳур ва баҳсли голлардан бирини урган эди. У жарима майдонига етказилган тўпни баланд сакраб, мушти билан дарвозага киритди. Буни пайқамаган бош ҳакам голни инобатга олди. Инглизлар 2:1 ҳисобида мағлубиятга учради. Ўйиндан кейинги матбуот анжуманида футболчи тўпни қўли билан урганини тан олиб, "гол қисман Марадонанинг боши, қисман Тангрининг қўли билан урилди" деган эди.

## ЗАХИРАДА ЎТИРИБ ЧЕККАНИ УЧУН...

"Антверпен" клуби раҳбарияти ярим ҳимоячи Ража Наингголанни чекканлиги учун дисквалификация қилди.

Ижтимоий тармоқларда 34 ёшли футболчи "Стандард"га (0:3) қарши ўйин олдидан заҳира ўриндиғида электрон сигарет чекаётгани акс этган суратлар тарқалган.

Клуб расмий сайтида эълон қилинган баёнотда футболчи номаълум муддатга четлатилгани таъкидланади. Наингголан бу мавсум Бельгия чемпионатида 12 та ўйин ўтказди. "Стандард"га қарши баҳсда танаффусдан кейин майдонга туширилгани.

Америкаликлар бир неча йилдан буён Европа футболларидаги етакчи давлатлар клубларини сотиб олмоқда. Европанинг энг бой лигаси бўлган АПЛда 20 клубдан 11 таси маълум даражада АҚШ фуқароларига тегишли. Италия А Сериясида – 5 та.

## АМЕРИКАЛИКЛАР ҚЎЛИГА ЎТМОҚДА

Бу ҳали ҳаммаси эмас. Америкалик инвесторлар эндиликда "Борнмут", "Эвертон" ва "Интер" клубларини сотиб олиш бўйича музокара олиб бормоқда. Бу битимлар амалга ошиши кафолатланмаган, лекин ҳар қандай ҳолатда ҳам америкаликлар томонидан футбол активларини сотиб олиш жараёни давом этади.

## ФУТБОЛ ИЧИДАГИ ФУТБОЛ АТРОФИДАГИ ГАПЛАР

Криштиану Роналду АПЛнинг 11-тури ўйини олдидан Алекс Фергюсон билан учрашганидан хурсанд бўлди.

## ФЕРГЮСОН РОНАЛДУГА СОВҒА ТОПШИРДИ



"Манчестер Юнайтед"нинг "Ньюкасл"га (0:0) қарши ўйини олдидан Фергюсон Роналдуга клубдаги фаолиятида 700-голини ургани шарафига эсдалик совғасини топширди. Португалиялик футболчи "Манчестер Юнайтед"нинг собиқ устози билан тушган суратини Instagram саҳифасига жойлаштирди ва шундай деб ёзди: "Атрофингизда бўлиш ҳар доим ёқимли, босс!"

М. МУҲАММАДОВ тайёрлади.



МУАССИС:

"HAMKOR PRESS" MCHJ

Бош муҳаррир: А. НАЗАРОВ

Газета Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси ҳузуридаги Ахборот ва оммавий коммуникациялар агентлигида  
2021 йил 19 майда  
1181 рақам билан  
қайта рўйхатга олинган  
Индекс: 460  
e-mail:  
hamkor.press@mail.ru

Газета "Hamkor press" таҳририяти компьютерида терилди ва саҳифаланди.  
Нашр учун масъул:  
Н. ЙУЛДОШЕВА  
Саҳифаловчи:  
А. КАБИРОВ  
Манзилимиз:  
Андижон шаҳри,  
105100, Бобур шоҳ кўчаси 53-уй.  
Тел: 78 298-01-07

"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.  
Босмахона манзили: Тошкент шаҳри,  
Буюк Турон кўчаси, 41-уй.

Босишга топшириш вақти - 18.00

Топширилди - 20.00

Қоғоз бичими - А3

Буюртма: Г-1049 Адади: 6360

1 2 3 4 5 6

Ҳажми 2 босма тобқ.

ISSN 2141-9734



Сотувда  
келишилган  
нархда.